

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ҳосил—91

Ҳосил—91

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИКЛАЙДИ

Халқ депутатлари вилоят
Кенгашининг раиси
ўртоқ С. Д. САЙДАЛИЕВга
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши ижроия қўмитасининг
раиси ўртоқ Э. М. РЎЗИЕВга

Хурматли ўртоқлар!
Тошкент вилояти деҳқонларини пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажарганликлари билан табриклардан хурсандман. Пахта далалари меҳнатчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига самимий ва илқ табригимни йўлайман. Пахтакорлар, деҳқончилик саноати комплексининг барча ходимлари бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қиладилар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча йўналишларида янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирмаман.

Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти
И. ҚАРИМОВ.

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси С. С. Шушкевич бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 5 ноябрь кунин Тошкентга келди.

Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Рўзиев, Ўзбекистон Республикасининг вице-Президенти Ш. Р. Мирсаидов бошча расмий кишилар кутуб олдидлар.

Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси С. С. Шушкевич бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 5 ноябрь кунин Тошкентга келди.

Делегация музокаралар олиб бориш ва республикалар ўртасидаги шартнома-ни имзолаш учун келди. (ЎзТАГ).



● ЮКСАН хирмон уйинди. Пахта тазалаш заводларида иш қизғиндан қизди. Асосий мақсад пахтани ёғин-соқиндан ва ёғиндан санолаш, дастлабки ишлов беришдан ўзбошимчи. Шу мақсадда Писинет ноҳиясидаги пахта тазалаш заводига ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимлари тез-тез бўлиб туришди. Уларнинг асосий мақсади халқ болигини кўз қорачиқидан асрашдир.

СУРАТЛАРДА: (юқда) завод ишчилари Исмомил Зокиров ва Сейдулла Ўзбекинов; (уйда, юқоридан-чапдан) прокуратура адлия маслаҳатчиси Рустамбек Рашидов, завод директори ўринбосари Додамурод Ҳасанбоев, ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Омон Турғунбоев, давлат ёғиндан муҳофизат қилиш бўлими бошлиғи, ички ишлар майори Бахтиёр Шоматов; (пастда) завод ишчиси Сейдулла Ўзбекинов.

Суратлар муаллифи
Ҳабибулла ШОДИЕВ.



КУЗГИ ДОН ЭКИЛДИ

ОҲАНГАРОН. Алишер Навоий номи шўро хўжалиги деҳқонлари кузги дон экиш ишларини бошлаб юбордилар. 1340 гектар ерда деҳқончилик қилишни мўлжаллаган галлакорлар далаларга уруғ сепишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Айниқса, Эшмирова Медреса бошлиқ бригада далаларида иш қизгин бормоқда. Бу жамoa 4 та агрегатнинг тўхтов-сиз ишларини таъминлаб, 400 гектар ерга баракча уруғи қадаб бўлди.

Хўжаликда техникнадан унумли фойдаланиш учун

кўчма устaxonалар ташкил этилди. Механизатор ва ишчиларга самарали меҳнат қилишлари учун барча шарoитлар яратилди.

Ворониллов номи шўро хўжалигида ҳам кузги дон экиш ишлари жадал бормоқда. Хўжалик деҳқонлари шу кунгача 1435 гектар майдонининг яримдан кўпига уруғ қадаб бўлдилар.

М. ҚАЮМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси енгил саноат корхоналарида ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатини муҳофизат қилиш, соғлигини сақлаш, маиший хизмат ва дам олишини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чинилди.

Республика енгил саноат корхоналари ана шу муҳим масалани ҳал этишда етарли иш олиб бормабатганлигига эътибор қаратилди.

Шундан кейин депутатлар «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиндилар. Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида депутатлар томонидан билдирилган бир қанча тақдирлар, кўшимчалар ва ўзгаришлар ҳисобга олинди.

Мажлисда депутат А. М. Сотволдиннинг иш фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингилди. Мажлисида, шунингдек, комитет фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чинилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЎЗ ИШНИ ТУГАЛЛАДИ

Тошкентда «Ҳозирги дунёда инсонпарварлик ҳуқуқлари» мавзусига бағишланган халқаро семинар ўзини тугаллади. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти марказий комитетининг ташаббуси билан ўтказилган эди.

Семинар қатнашчилари беш кун давомида Қизил крест ва Қизил ярим ой жамияти фаолияти, миллий қонуналарга халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини жорий этиш, шу ҳуқуқ меъриларининг буғаланиш учун жа-вобгарлигини белгилаш билан боғлиқ бир қанча долзарб муаммоларни муҳокама қилдилар. Семинарда бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Анжуман ишида Қизил крест халқаро комитети Европа ва Шимолий Америка бошқармаси бўлимининг бошлиғи Рональд Ҳаммер, «Қизил крест халқаро комитетининг масъул ходими Клодин Эмми, Жанубий кореялик меҳмонлар, шунингдек Москва, Украина, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон, мамлакат ташқи ишлар ва мудофиа вазирликларининг вакиллари қатнашдилар.

Халқаро семинар иштирокчилари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида учрашди. Меҳмонлар Алишер Навоий номи давлат академик катта театрида бўлдилар, қадимий Самарқандга саёхат қилдилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ, ВХСС БОШҚАРМАСИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ҚУШМА РЕЙДИ

ПЕШТАХТАДА ЙЎҒ, ЧАЙҚОВЧИДА... КЎП

Рейд давомида 78 фуқаро чайқовчилик қилаётганда қўлга тушди. 18 чайқовчи устидан жиноий иш қўзғатилди. 60 киши маъмурий жазага тортилди. Жами 45 минг 100 сўмлик камб ёмоллар мусодара қилинди.

Тошкент Отчопаридаги ҳар яқинба кун булардан чайқов бозори нафақат қумқуриятимиз, балки Иттифоқимизда ҳам маълум ва машҳур. Бу ерда эрта тондаёқ одамлар тавжум. Иккидан олтинга келди, кимдир сотгани. Яна кимлардир қўнтак кесгани. Хуллас, ўрни ҳам шу ерда. Тўғри ҳам Юлдузга бена-рив урадиган «учарлар» қўнтак олаётган бўлиб, ҳар бир харидорга шубҳа билан қарайди. Агар хоҳласангиз, андоқ қўнтакнинг пати-дан тортиб, калтар сутига-ча топиб беришга тайёр.

«Адида» фирмаси ишлаб чиқарган оёқ кийими минг сўм. Францининг машҳур «Мисс Дюр» ва АҚШдаги «Мистер Д» фирмаларининг маҳсулоти ўзaro ра-қобатда: атиги 7-8 минг сўм. Япония электроника фирмасининг икчам ва на-фис сўлашгичлари бир ярим, икки минг сўм атро-фида. Хўш, сизга яна нима керак? Италияда ишлаб чиқарилган аёллар эти-ги керакми? Марҳамат, 800 сўм. Валии сизга Фа-рангнинг хушбўй атир-у-парларини керакдир? Еки, кун-гингиз қора икра тусай-димми? У ҳам топилади. Фа-қат «пулдан» қочмасангиз бўлди.

Хўш, бу ноёб маҳсулот-лар бозорга қаердан кела-пти? Чайқовчиларнинг «Су-зукки», «Омакс», «Адида» каби хусусий фирмалари йўлиги ҳаммага маълум. Аслида, юқорида айтиб ўтилган камб ёмоллар бутунгиз кунда бўшаб ётган дўконларнинг пештахта-ларида сотилиши керак. Ле-кин ҳаммаси чайқовда. Нонисоф чайқовчилар эса бирини ўнга пуллаб, те-кин бойлик орттирмоқда-лар. Маана яна минсоллар, 60 сўмлик аёллар собо-нини харидорга 100 сўм-дан пуллаётган олмалиқини Нейля Абдулова ҳам худ-ди шундайлар тонфасиядан экан. У қўлга тушганда қопчиқидан яна тўртта собо-бин чиқди. Аявалига у сувдан куруқ чиқмоқчи бўлди. Ле-кин бундай найрағиларни кўравериб «қўзи ишиб» қолган милиция ходимлари молларини расмийлаштира-ч, унинг кўзи мошдек очилди. Н. Абдулованинг моли му-ларидир. Тошкентлик Л. Содара қилинди. Ўзига жа-рима солинди.

Николай Борисов деган кимса ҳар бири 85 сўм-дан турадиган болалар кос-томинин 130 сўмдан пул-лаётганда қўлга тушди.

Тошкент қишлоқ хўжали-гини ирригациялаш ва ме-ханизациялаш инженерлари олий билимгоҳининг талаба-си Акмал Муҳаммадиев эса анойи чайқовчилардан тийиндан турадиган «Тош-кент» ситаретасининг 470 кутусини магазиндан таниш-билиш орқали олди-ю, «ха-ридор»га кўтарасига икки сўмдан бериб юборди. У Кўйишев ноҳия халқ суди томонидан икки йилга шарт-ли равида озоқликдан маҳ-рум қилинди.

Меҳнасиэ даромад қи-лувчиларнинг орасида ечи-ларини уятриш айниқса ач-чарлардир. Тошкентлик Л. (тергов олиб борилаётган) лиги сабабли, баъзи олиб-сотар ва чайқовчиларнинг исми-шарифини очиб айтол-маймиз) Покистонда ишлаб чиқарилган, ҳар бири 480 сўмлик беш дона эркак-лар куртасини 700 сўмдан чайқабатганда милиция хо-димлари томонидан уш-ланди.

Тошкент вилоятининг Га-лаба ноҳиясида келган фуқаро К. эса 5250 сўм-лик камб молни 7 минг сўм-га пуллаб, уйига «ғалаба» билан кетмоқчи эди. Аммо мағлубиятга йўлиқди, қўл-га тушди.

Урганчлик А. исми аёл дугонаси билан Тошкентни «эйрат» қилиш учун тайё-рада келишган экан. Ови бароридан келмаган бу икки дугонадан жами 3320 сўм-лик турли размердаги аёл-лар туғлисини мусодара қи-линди.

Рейд давомида Узоқ Шарқ, Семипалатинск, Гар-дабани шаҳарлардан кел-ган чайқовчилар ҳам турли молларини чайқабатган

ОБУНА—92

МУШТАРИЙЛАР
ДИҚҚАТИГА!
ОБУНА
15 НОЯБРГАЧА
ДАВОМ ЭТАДИ

1992 йил учун рўзнома ва ойнома-ларга обуна давом этмоқда. Бошқа наشرлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИ-ҚАТИ» рўзномасига ҳам барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Фур-сат қаниматлигида ўз рўзномангиз — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна бў-лишга шоядинг!



● СУРАТЛАРДА: мусодара қилинган моллар. Суратнам Е. ВОТИРОВ.

Хотира

Октябрь ойининг бошларида менинг номинга бир хат келди. Унда жумладан, шундай дейилган: «Журналист Носир амаки, Ассалому алайкум. Сизга саломатингизни айтишимиз...»

Бу мактуб мени ҳаяжонландирди. Чунки негара бувасининг арвоҳ хотирасини ёд олиб ҳурматини ўрнига қўйишти. Демак, бу хонадонда фарзанд тарбиясида энг аввало инсон қадриятининг улдуғлаши...

Ўзингизни қийнаманг

Биз қаламқашлар у ёки бу ердан ижодий сафардан қайтган табиийки, таассуротларимизни, кўрган-кечирганларимизни, эшитганларимизни тасвир қилишимиз...

СИРА ЭСИМДАН ЧИҚМАЙДИ

ХАР кимнинг ҳам ҳаётда тўғри йўл кўрсатадиган тажрибали устоз бўлганга нима етсин! Лекин устознинг ҳам ҳар хили бўлади. Шундайлар борки, улар ўз касб-корлари сирларини шогирдларига эриқмай ўргатишдан, сабоқ беришдан ташқари баъзида ҳатто уларнинг «кири-чиқир» ишларига ҳам аралашадилар...

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ, УЗОҚ ИЛЛАР ДАВОМИДА РЎЗНОМАМИЗДА МЕХНАТ ҚИЛГАН САЛИМЖОН МАҲКАМОВ ҲАЁТ БУЛГАНЛАРИДА 70 ЁШГА ТЎЛАРДИЛАР



Суратда: марҳум ҳамкасбларимиз Б. Халилов (чапда) ва С. Маҳкамов.

тиб. — Яхшилаб машинкалатинг. Шундай қўришга ҳам қўлай бўлади. Иккинчидан, машинкага ўзингиз айтиб турсангиз йўл-йўлак яна-янги фикрлар, фойдаларни тўлиқ билсангиз. Шу тариқа мақола сайқал топади.

ушун бу гоат муҳим эмасми? Менинг назаримда Салимжон Маҳкамовнинг энг яхши хисоялари, очерклари, ҳаётий лавҳалари ана шу тарзда юзага келган. Улар ана шу ситгари ўтиришлар, уршувларнинг самараси ўлароқ маъмуриятнинг кўрғани, Уларда Маҳкамов ҳар бир одамнинг ички дунёси, феъл-атворини тадиқ эттиша ҳаракат қиларди.

Ўзбекистон Актёрлар уйида

КАРДОШ ҲАРБИЙЛАР УЧУН САФАР ДАВОМ ЭТМОҚДА ИҚТИДОРЛИ УҚУВЧИЛАР БИЛИМГОҲИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГЛИК ЎЗБЕКЛАРГА

Иттифоқимиздаги ҳарбий хизматчиларнинг маънавий қадриятини юксалтириш қардош халқлар дўстлигига ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон актёрлар уйи ва Туркистон Ҳарбий Округи бошқармалари ҳамкорлигида Украина ва белоруссиялик ҳарбий хизматчилар учун шахримизнинг авиасозлар маданият саройида катта концерт намойиш этилди.

Ўзбекистон актёрлар уйи раҳбарлари 7,5 минг ўзбек (талабалар, ҳарбий хизматчилар бўлиб) иштирокида қилаётган Санкт-Петербургдаги Ўзбекистон жамияти билан доимий ҳамкор бўлиб келмоқдалар.

Иил давомида у ердаги юртдошларимиз билан Ҳамза, Муқимий номли театрлар, «Баҳор», «Лазгин», М. Қорӣқубов номли даста санъаткорлари уршувлар ўтказдилар. Жумҳурият актёрлар уйи эса Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи муносабати билан бу шаҳарда ижодий кеча ўтказишни режалаштирди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон маданият жағғармиси матбуот марказининг муҳбири.



Китоб жавонингизга «Кўнглимда бир ёр»

«Ёзувчи» нашриёти жамоаси кейинги вақтда китобхонлар жавонини бойитишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу ерда сўғити пайтларда истаёди билан эл озига тушган ёзувчи ва шoirларнинг бир қатор китоблари чоп этилди. Хусусан, яқинда қўшиқчи шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Кўнглимда бир ёр» деб номланган шеърый тўплами китобхонлар қўлига бориб етди.

ИСТИҚВОЛ УМИДИ

ЎХА, ЯҚИН ШАРҚДА осойишташ ўрнатишга бағишланган халқлар тинчлик конференциясининг ҳар кунги, ҳар соати кутимлаган натижалар келтирмоқда. Учрашувларнинг биринчи даражаси умидсизлик муҳитида бошланган бўлса, ундан кейини воқеалар маълум даражада ақл ва заковат тантанаси сари бурлишти бўлди, дейиша асос беради.

«ШИГЕЛЬ»НИНГ ТАШВИШЛИ ХАБАРИ

КОРЕЯ Халқ-Демократик жумҳурияси ўзининг ядровий қуролини яратмоқда бу ишда, кўринишдан, унга Германия фирмалари ёрдам бермоқда. «Шигель» журналининг куни кеча босиб чиқарган мақоласидангина аниқ шухабар кўчиликда катта ташвиш уйғотди. Бу хабарни журнал ГФЖ қандирни идорасига Федерал разведка хизмати юборган ҳужжатларга асосланиб эълон қилди.

ЗОҲИР ШОҲГА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

УТГАН душанба кўни ўзининг Римдаги қароргоҳида яшаб турган Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳир Шоҳ номаълум шахс томонидан пичоқланди. Унинг португалия журналисти деб таништирган кимса учрашу пайтида Зоҳир Шохга икки марта пичоқ урди. Бир зарба унинг юзига, иккинчиси қорнига теккан, деб хабар бериб Франс Пресс ахборот агентлиги. Зоҳир Шох дарҳол шифохонага келтирилди. Шифокорларнинг айтишича, собиқ подшоҳнинг ҳаёти ҳавф остида эмас. Ҳужум қилган шахс қўлга тушди, тергов ишлари бошланди.

ПАРАШЮТЧИЛАР ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛДИ

ЗАИР пойтахтида ва бошқа шаҳарларда ҳужуматга қарши галабелар бошланган кўнлари Бельгия ҳамда Франция ўзларининг фуқароларини хўмоа қилиш баҳосини билан берга ўзларининг десантчи парашютчиларини ташлаган эдилар. Бу воқеадан сўнг Заир президенти Мобуту Сесе Сесо Паник ҳамда Брюсселни мамлакат ички ишларига аралашува айблади. Қўни кеча Бельгия ва Франция парашютчилари Заирни ташлаб чиқиб кетди. Эндиликда олинган десантчи парашютчиларини ташлаган эдилар. Бу воқеадан сўнг Заир президенти Мобуту Сесе Сесо Паник ҳамда Брюсселни мамлакат ички ишларига аралашува айблади.

ИМЕЛЬДА ФИЛИППИГА ҚАЙТДИ

1986 йИЛДАН буён муҳожирликда юрган Филиппин собиқ президенти Фердинанд Маркоснинг бе-ва рафиқаси — Имельда Маркос кўни кеча Филиппин пойтахти Манилага қайтиб келди. Филиппин ҳукумати И. Маркос ҳамда унинг oil-ласига жуда катта давлат маблағларини талон-тороқ қилиш айбини қўймоқда. Яқин кўнлар ичиде Имельда Маркос устидан сўз ўтказилди. Шу орада Фердинанд Маркос масаддини Гавайя оролларида ўз ватанига қайтариш масаласи ҳам ҳал бўлса керак.

АНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

ЖАНУБИЙ Африка Жумҳурияси ташқи ишлар вазири Р. Бота Латвия вил пойтахти Ригага келди. У бу ерда Латвия ташқи ишлар вазири Янис Юрканс билан учрашди, сўнгра Киев, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларига сафар қилади.

Ижтимоий таъминот

ҳисобидан Наврўз арасида қарийб 600 нафар Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногиронларига 100 сўмдан пул, жами 60 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатди. Наврўз ҳамма жойда фахрийлар учун ҳақиқий байрамга, инсоний қадриятларга, шарқона урф-одатлар, меҳр-шафқат, инсоф, адолат, ҳайр-саховатлар жўш урган чинкек миллий таънага айланди.

Уша қўтлуғ айём кўнларида дилмига қувонч бағишлаган баъзи эсда қоладиган мисолларни келтириш мериқлариде, албетта. Калинин ноҳияси Наврўзга атай ўз бюджетини 5 минг 133 сўм, «Шарк» агросаноат комбинати 2 минг сўм пул ажратди. Янгилаган жами маблағга қимматбаҳо қилинган совғалари харид қилинди. Совғалар байрам кўни Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногиронларига тортиқ қилинди, ёлғиз қариларга нақд пул берилди. «Шарк» агросаноат комбинати ўз ҳисобидан қўл болган оналарга 12 та ситгир совага қилди. Олмалиқда ҳам шундай оналарга моддий ёрдам берилди, меҳр-шафқат мароғинида йилнинг 9 минг сўмлик турли совғалар ёлғизларга улашилди. Паркентда Наврўз совғалари янгича мазмунига эга бўлди. Бу ерда кам таъминланган кўп болган оналар 33 та ситгир ва 25 та кўйга эга бўлишди, айни вақтда уларнинг болалари учун

Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси маҳаллий бюджет

лечунадагиларнинг таъкидлашича, анча дуруст чиққан эди. Ичкида энг ҳокимсори, камбағали менаман. Одий бир журналистман. Менинг нимама ёқини сизларга?

ДИЛКАШ УЛФАТ ЭДИ

САЛИМЖОН акани билган, таниган дўстлари, ериб-родарлари, танишлари уни улфати одам эди, деб таърифлашди. Ҳақиқатан ўзи ҳам шундай эди. Биз шогирдлар бунинг гувоҳи бўлардик. У кишига ҳавас қилардик. Одий ишчидан тортиб хўжалик раҳбари, қорхона директори, олимгача бўлган касб-кор эгаларидан унинг таниши кўп эди. Яқинда мен Салимжон аканинг ана

жамоа ҳўжалиги бошқаруви қарори билан ҳозирги вақтда қарийб қирқга яқин пенсия олмайдиган хўжалик аъзоларига ҳар ойда 70 сўмдан нафақа тўланамоқда. Улар асосан, илгари ишламаган кўп болган оналардир. Шунингдек 23 нафар уруш қатнашчиларининг пенсиясига ҳар ойда 40 сўмдан, колхоз қўриқчиларининг 20 нафар феоаларига эса асосий пенсияларига 50 сўмдан қўшиб берилмоқда. Юз нафар кам таъминланган оналарнинг нафақалари ҳар бир бола учун 12-13 сўмдан ҳозир 25 сўмга етказилди. Умуман бу хўжаликда пенсияерларнинг турмуш шaroитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда ишламайдиган 53 нафар киши пенсиясининг энг кам миқдори 100 сўмга етказилди. Биринчи марта икки одам утган ёш келин-куваларга 200 сўм, байналимлачи жангчиларнинг ҳар бирига йилга бир марта 200 сўм ёрдам пули бериб берилмоқда. Агар эркак киши хўжаликда 25 йил, аёл киши 20 йилдан улуғсиз ишлаб пенсияга чиқадиган бўлса, уларнинг ҳар бирига қўшимча моддий ёрдам сифатида 1000 сўмдан пул бериш йўлга қўйилди.

Масалан, Галаба ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССЖ 5 йиллик» тажриба — давлат хўжалиги кам миқдорда пенсия олаётган 128 кишига жами 33 минг сўм, «Огонек» совхоз-заводи қарийб 300 пенсияерга 36 минг сўм миқдорда қўшимча пенсиялар тайинланди. Калинин номили давлат хўжалиги мазмурияти ўтган йили 230 пенсияернинг ҳар бирига йилга бир йўла 500 сўмдан пул беришга қарор қилди. Бундай моддий рағбатга хўжаликда 20 йил ва ундан кўп йил ҳалол хизмат қилганликлари учун сазовор бўлишди. Оқандар цемент комбинати раҳбарлари кекса ишчиларга гамхўрлик қилишининг ҳам моддий, ҳам маънавий усулларидан самаралы фойдаланимоқдалар. Улар қорхона иккиониятларини чамалаб кўриш-бериш пенсияга чиқувчи кишига тайинлаган пенсиясига қорхона ҳисобидан 50 сўмдан қўшиб беришмоқда. Агар у пенсияга чиқиб, ишлаб чиқариш биришмасида келмеда ички йил ишлаш истагини билдирса, бундай кишилар бир йўла 1000-1500 сўм миқдорда моддий ёрдам пули билан таъминланадилар. Ани шундай таъминланадилар. 57 кишига ўтган йили ички мобайнида 44 минг 400 сўм пул ажратилди. Жумҳурият Президентининг фармони фахрийларга, айниқса, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига маънавий мадад кўрсатишга



қаларни ўрнат қилиб, тар-тиб оlib бoради. Аммо йиғилар масаласида ким-ларни мисол қилиб иш юритишга ҳайронми. Қўпчи-ча ўзининг болалар уйида ўсганим ва шу соҳа-ни танилаб янглишганим-ни ҳикоя қилиб ташвиқот юришаман.

Жумҳурияда ягона бил-лим юрти деган номиниз бор. Аммо лоқаил ўз ўқув саҳнамига ҳам эга эмас-ми. Агар саҳнами бўлса, томоша, концертлар тайёр-лаб, маънавий тўплаш имко-ниятимиз бўлар эди. Бу масала ҳам беш йилдан бе-ри ҳал этилмабди. Энди мутахассислар муаммоси. Ташлим бўлган, муаллим керак. Аммо рақс ўқитув-чиси тайёрладиган ихти-сослашган илмгоҳнинг ўзи йўқ. Маннон Уйғур номли санъат олий илмгоҳида шундай ўқув ташкил қилиш мумкин эмасми? Озгина эътибор топила-ку, мум-кин. Қисқаси, гап кўп.

БУНДАН тўрт-беш ой аввалги бир воқеа ҳеч ёмондан қиймади. Асли япон қизи, ҳозирда Амри-ко фуқароси Эмикохоним ўзбек миллий рақслари-ни ўрганиш учун Тошкентга келган. Қўлаб мухбир фотомухбирлар бири оlib, бири қўйиб ҳо-рижлик рақс ҳавасманди роҳа тарғиб қилдилар. Ҳозиргидек эсимда: рўйнамада Эмикохоним ўн-гирибди. Мен ҳам, тав олиним керакки, исвасас иссқ бу аёлнинг тиришқоқлигига қўйил қолган-ман. Чунки у қисқа фурсат инда ўзбек тилини ач-ча дуруст ўзлаштириб олган.

Рақс санъатини ҳавасмандларини тарғиб қилиш учун хоризжлик ҳаваскорларнинг келишини кой-лаш шарт эмас. Мен буга жумҳуриятимизда ягона ҳисобланган Тошкент хореография билим юр-тига бориб, тўла амин бўлдим.



Ху, фойдаликини гоҳо ўз вақтида етарли тақдир-лай олайми. Шу бон-дан ҳам жон койтувчилар камайиб кетаётган бў-лар, ажаб эмас. Бу эъ-тиборларга жумҳурият Ма-даният вазири қандай жа-воб қилар экан?

Мен миллий рақслари-мизни натта саҳналарга олиб қилиш олдидан пиш-ши-пухта тайёрладиган маш-қ залига кирдим. Яна ярим йилдан сўнг муста-қил санъатта йўл олишга шайланган миллий рақс бўлимининг ўн уч нафар битирувчиси Совет Итти-фоқи ҳалқ артисти, Ёшлар-нинг жоңқур мураббийси Қундуз Мирзиёева раҳ-барлигида навабдаги маш-гулотни ўқатиётган экан. Қундуз опа билан гапимиз тезда қовушиб кетди. Узоқ сўхбатладим. Сўхбатимиз-нинг тўлиқ матини битта саҳифага сиғдирди қўйин. Шундай бўлса-да, мазкур мулоқотдан зарур ўрин-ларини келтиришни жонз билдим.

— Шу даргоҳда ўттиз йилдан бери ишлайман, — деб гап бошлади Қундуз опа, — Тошкент жумҳу-рияти «Зебо» дастасининг раҳ-барси, СССР ҳалқ ар-тисти Зебо Оминова, ўз-бекистонлик танили рақ-созлари Г. Фозиловна ва, У. Мухамедова, Г. Жў-раева, С. Турсунова, М. Ах-медова, Г. Алимова — ме-ни шогирдларимдан. Ўз насбимни жуда севаман. Миллий рақс санъатисиз мен ҳаётимни тасавуур ҳам қила олайман.

— Қундуз опа, ҳозирги шогирдларингиз орасида ўзингизга ниҳоятлироқ эътибор-нинг ҳам бoри? —

— Умидли ёшларимиз жуда кўп. Масалан, «Шод-лик» дастасининг ёш рақ-созиси Барно Қосимова, «Ўзбекистон» дастасида Дилфуза Азимова, Шаҳно-за Фозиловна (Гулчехра Фозиловнанинг қизи). Кўриб турганимиз — бу-гунги битиручиларимдан Иродахон Дилмурод қизи, Гулчехра Мамадалиева, Фе-руза Хўжафасова ҳам келгусида яхши рақсоза бў-либ етишишларига ишон-чим қилиман. Мен фақат рақс ўргатиш билан чекланмай-ман. Уларга актёрлик ма-

ҳоратидан ҳам таълим бе-раман.

— Мазлумки, Сиз жон-қур, шу билан бирга ўта талабчан мураббийсиз.

— Нима демоқчилигингиз-ни тушуяман. Виласизми, ҳозирги аксарият ёшлар-нинг ўз рақслари йўқ. Ма-салан, мен ўзим илк марта «Гулноза» рақсими билан санъатга кириб келганман. Шогирдларимдан ҳам шун-дай ўзини хошлини талаб қиламан. Шунингдек биз-нинг авлод марҳум Му-каррама опа Турғунбоева-дан таълим олган. У ки-ши миллий рақсимиз ҳа-зираси эдилар. Овим-қўши уллардан ўрганганларимиз бор. Меннинг ёшлардан яна бир талабим, энди улар ўша ҳазинага эгалик қилсин-лар, дейман.

Яқинда Тошкент теле-видео давлат қўмитаси қошида янги даста ташкил қилинди. Мен ва Т. Сағир-ова у ерга бoриб, ўнта рақс-ни саҳналаштириб қайтдим...

— Қундуз опа, шогирдла-рингиз мустақил санъатта қандай қўйлач, сизни улу-туб юрбомайтиларми?

— Асло. Аксинча, тез-тез келиб, зарур бўлса мас-лаҳат олиб турибдилар. Бу-гун ҳам икки нафари келиш-ганди. Улардан биттаси ҳо-зир шу ерда.

Мен «Шодлик» дастаси-нинг рақсозиси Едгараҳон Нурматовга юзландим:

— Устозингиз қаҳқанда нима дея олсан?

— Билим юртини битир-ганимга ўн олти йил бўл-ди. Аммо ҳануз Қундуз опадан узоқлошмайман. Опанинг бeраётган таълим-лари, у кишидаги миллий ўзини хошлини мен бошқа-ларда учратмайдим, десам муболага бўлмас...

Шу жавобининг ўзиёқ миллий рақс санъатимиз-нинг келажиги ишончли қўлларда эканига исобод-дир.

— Қундуз опа, — дедим сўхбатни давом эттириб, — мазкур даргоҳда иш бош-ланган йил дарвингизни эсла-йсизми?

— 1982 йил эди. К. Га-летка, Г. Азимова ва мен иш бошлаганимиз. Ҳар ҳолда ҳа-ракатлар зое кетмади.

Тошкент хореография билим юртидан қайтар экан-ман, ўйлаб қолдим: Ҳозир ўзини таниб, қатор хай-рли таъдирларни амалга оширмоқдамиз. Чунки, ўрта мактабларда «Одобно-ма», «Мазрифатнома» дар-слари — ҳузув дастурининг рас-мий ўрин олди. Ўзбек мил-лий рақсларини ҳам ўрта таълим дастурига кирит-дик, танили рақс уста-лари мураббий сифатида дарсларга таълим қил-ди, яхши бўларди, меним-ча. Агар шундай қилинса, билим юрти мутасаддиди, яни мураббийлари вилот-ма-вилот келиб, ёш қи-дорларни излаб, қимматли вақтларини сарф этиб ю-масдилар. Аксинча, исте-додли ёшларнинг ўзлари таълимнома орқали билим юртига кириб келар эди-лар. Балки келгусида шун-дай таъдир йўлга қўйилса, ажаб эмас. Бу ҳақда шу соҳа мутахассислари ҳа-ндай фикр билдирар экан-лар?

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

7 НОЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

«ОВЧИ» совет-ҳинд фильмида суратга тушган **ГРАНТУ** айғири иштирокида **Нина ва Марина ПУЗАКОВА**лар раҳбарлигидаги **«Ургатилар айқлари»** **ЯНГИ ДАСТУРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ**

2 БУЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР

Томошалар соат 18.30 да; 7, 8, 9, 10 ноябрь соат 11, 14, 17.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинади. Қиш-лоқ жойларидан келган аҳолига навабсиз хиз-мат кўрсатилади.

Цирк фойсидида шошилинч суратшлик устахо-наси ишлаб турибди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

Сўхбатдошим — мазкур билим юртининг бадий раҳ-барси Қўрмас Соатов.

— Қўрмас ака, Тош-кент хореография билим юртига қачон асос солин-ган?

— Бу борада ҳар хил са-налар овози қайд этил-ган. Бир пайлар машхур санъаткоримиз Тамарахо-ним ташаббус билан 30-йилларнинг биринчи ярми-да рақс мактаби сифатида фаолият кўрсатган дейла-ди. Аммо архивларда бу ҳақда бирорта ҳужжат йўқ. Билим юртимизга расман 1947 йилда асос солинган деб ҳисоблаш мумкин.

— Бу ерга фақат Ўзе-бекистон ҳудудда яшовчи-лар қабул қилинадилар-ми?

— Асосан шундай. Аммо Ўрта Осиё жумҳуриятла-ридан ҳам талабалар кела-дилар. Биз уларни ҳам но-умид қайтармайми. Ав-валлари Россиядан ҳам ке-лишарди.

— Ўқитиш жараёни қан-дай ташкил қилинган?

— 60-йилларгача бизда фақат битта бўлим мавжуд бўлиб, олти йиллик таълим-га асосланган эди. 1958 йилдан сажиз йиллик таъ-лимга ўтдик. 60-йилларнинг бошидан бўлимлар сон ик-китга етди. Яъни, ўзбек миллий ўйинлари бўлими ташкил қилинди. Бу бў-лимда ўқитиш даври беш йил. Класдик бўлимга учин-чи синфни тугатганлар — 9—10 ёшлилар, миллий рақс бўлимига еса олтинчи синф-ни тугатган 12—13 ёшли-лар қабул қилинади. Мил-лий рақслар бўлимида таъ-лим жараёни ўтган йилдан бошлаб фақат ўзбек тилида олиб бoрилмақда. Бу бў-лимда миллий рақсларни ўр-ганиш билан бир қаторда талабаларимиз қардош халқ-лар, хоризжик мамлакат-лар рақсларини ҳам ўрга-тидилар. Музиқа, санъат тарихи ўқитилади. Ҳозир Ўзбек ўйинлари тарихидан ҳам таълим бермоқдамиз.

— Бу даргоҳдан еттиб-чиққан, айни кунларда та-нили рақсозлардан ай-ричларини санаб ўтсангиз, —

Жумҳурият халқ ар-

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшати-лан йиғиларни ва ўсмирларни

Учи аппаратларининг йиғувчи чилангарли, механика-йиғув ишлари чилангари, металлга иш-лов берувчи, токарлик мутахассисликлари бўйича ўқитиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш мuddати — 6 ой. Ўқувчиларга ойига 150 сўмдан стипендия берилади.

Яшаш жойига муҳтож бўлганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқаруш бирлашмасига йўлнатма оладилар. Ўқиниши аъло баҳола билан битирганлар — мамлакатимизнинг олий ўқув юр-тиларда тахсил оладилар.

Машгулотлар гуруҳларининг тўлишига қараб 1992 йил 1 январдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжат-ларни топшириш керак: директор номига арiza, аттестат, паспорт, 6 донадан 3x4 ва 4x5 см. ли су-рат.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Генерал Пе-тров кўчаси, 331-ўк, 29-трамвайлар; 30, 110, 119, 151, 192-автотруларнинг «Билим юрти» бекати). **ТЕЛЕФОН: 96-58-20.**

Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва апаратлиқ

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991-92 ўқув йилга тезкорлик билан ўқитиш учун

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Олий билимгоҳ қуйидаги мутахассисликлар бўйича теъкорлик билан алоқа муҳандисларини тайёрлаб бе-ради: «автомат электр алоқаси» (ихтисослари: электр алоқасини бошқарувчи тизимлар; дискрет ахборотларни узатиш; автомат коммутиация тизимлари); «қўшқана элек-тр алоқаси» (ихтисослари: алоқа ускуналари ва иншоотларини монтаж қилиш, қўшқана элек-тр тизим-ларини лойиҳалаш ва ишлашти-; тола-оптика ало-қа линиялари); «радиоалоқа», «радиоэшитириш ва теле-видение».

Ўқиш мuddати — 3 йил 4 ой.

Теъкор таълим гуруҳларига алоқа техникумлари ва алоқа ўрта хўнар-техника билим юртларини битирган ёшлар, техникавий йўналишдаги олий ўқув юр-ти-рининг 2—3-курс талабалари, шунингдек, корхона-ушвчи-олий билимгоҳ ўрталаридаги ўқитиш ҳар бир йили учун 7 миңг сўм тўлиш тўрисида тузилган уч томон-лама шартномага эга бўлган иккинчи ихтисосни эгал-лаш ниятидаги шахслар ҳам қабул қилинадилар. Сти-пендияни буюртмачи-корхона тўлайди.

Ҳужжатлар — 1991 йил 15 ноябрдан 31 декабрга-ча қабул қилинади. 1992 йил 15 январдан 30 январга-ча сўхбат ўтказилади. Машгулотлар — 1992 йил 1 фев-ралда бошланади.

Кирувчилар олий билимгоҳга келганда расмийлаш-тирилган уч томонлама шартнома (2 нусхада), шахсий ҳужжатлар, паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатда қайд этилганлик гувоҳномасини кўрсатдилар. Шахсий ҳужжатлар: белгиланган шаклдаги арiza, маълумоти тўрисида ҳужжат (асли), 086/У шаклдаги тиббий маъ-лумотнома, 3x4 см. катталикидаги 7 та фотосурат, меҳ-нат дафтарчаси ёки жамоа ҳужжалиги дафтарчасининг жамоа ҳужжалиги идораси томонидан тасдиқланган кў-чирмасидан иборат бўлиши лозим.

Олий билимгоҳга қабул кириш имтиҳонларисиз, сўх-бат натижаларига қўра амалга оширилади.

Вошча шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой бери-лади.

Ҳужжатлар икпанадан ташқари ҳар қиши соат 9 дан 16.00 гача, шанба кун соат 9 дан 14.00 гача, 112-хо-нада қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Эн-гельс кўчаси, 108-ўй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 35-77-75, қабул комиссиясининг маъ-сул котиби, 35-10-40; ўқув ишлари бўйича проректор.

РАНГ-БАРАНГ НАШРЛАР

БУ НИМА ҚИЛИҚ?

Тарих ва маданият ёдгор-ликларини сақлаш жумҳу-рият жамятига ўқитиш ме-ро-симини кенг таъдид этиш ва нашрлар орқали омла-лаштириш таъдирлар билан ҳам яқиндан туриб шуғул-ланмоқда. Жамят Кенгаши раёсатининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган маж-лисида ахборот-нашриятчи-лик ишларининг келгуси йилги режалари белгилаб олинди. Чундан ҳам 1992 йилда жамят йили билан қўйилган нашрлар чоп эти-лади. Булар орасида тарих ва маданият ёдгорликларига бағишланган турли рисо-лалар, рангли плакат ва буклетлар ҳам бор. Ўқитиш маданиятимиз тарихини ўр-ганиш бўйича олиб бoрилган таъдидотларини босмага тай-ёрлаш ҳам қўзда тутилди.

Қўлаб йирик илмий иш-ларини ўз ичига олган ўн илмий нашни тезлашти-риш таъдирлари ҳам кўри-лди.

С. ОДИЛОВА.

Анчадан буён дилимни хира қилган бу манзара ҳаё-лидан кетмапти. Уни қо-ғога тушириб, муштарий-лар эътиборига ҳавола этишга жазм қилдим. Гап бундай. Пойтахтимиздаги хо-надорлардан бирида жуда файзли тўй борарди. Хонан-да қўшиқлари ҳам маэмун-ли, расга тушувчилар жози-баси ҳам ўзларига ярашган. Ҳамма хузур қилиб, бу гу-заллиқни томоша қилдилар. Бирдан ёнида ўтирган дў-стим «уни қара, уни қар», дея эътиборимни ашу-га бир пачка «25» талиқни сочаётган йиғитга қаради. Ундан кейин бошанг кийин-ган сeрсавлатгина аёл 10 талиқни хонанда боши узара сочди. Пуллар хаонга ўх-шаб, қўшиқчи оёқлари ости-га тўшди. Воалар, ҳатто баъзи каттароқ ёшлар ҳам қуддирашиб ерга эғил-дилар.

Кимга қандай туюлади, билмадим аммо бу манза-радан мен дил-дилимдан ран-жидим. Бошқаларнинг чеҳ-раларига ҳам разм солидим.

Хозиргина шодликдан порлаб турган нигоҳлар тундлашиб қолган эди. Баъзи кайфи етилганлар орасидан «бара-ка топ, ота ўғил» дея пул сочган йиғитга хушомадгўй-лик қилганлар ҳам бўлди.

Ўзим гувоҳ бўлган бу ҳо-лат ҳақида Эмсагиним ҳам мумкин эди. Эмсагини хиз-мат жойимга келсам, ҳам-касбларимдан бири бешин-тўғида бўлгани, у ерда фар-занд кўрган келининг оисаи пачка-пачка пуллар сочган-лигини хайратланиб таъри-япти. Демак, пул сочиш ас-та-секин одат тусига кираёт-ган экан-да, деган хаёлга бoрдим.

Ахир, бу ўз динига, имо-нига қайта эътиқод қўйиб бoраётган элимиз учун му-шабо ёт иллат-ку! Каердан пайдо бўлди, ўзи! Нахотки пул сочаётганлар бу қил-қилари уларга оёру келтир-маслигини тушуниб етма-салар. Қолаверса бу ҳол санъаткорларни ҳам ноқу-радан мен дил-дилимдан ран-жидим. Бошқаларнинг чеҳ-раларига ҳам разм солидим.

Хўш, пулни ким сочяпти? Албатта, 15 кунда ёки бир ойда маошига тикилган одам пул сомаслиги аниқ. Хозир ошоралиқ замон. Менинг бу фикрларимга «е-не бой-ваччалар бор, ўзи топгандан кейин сочаверади-да, ки-минг нима иши бор», дея эъ-тироз билдирувчилар ҳам бўлиши мумкин.

Агар бундай кишилар ҳа-лол йўл билан чўнтакларига барака киритган, қиммат кўрсатишга аҳд қилган бў-салар, маънавий, мадрасалар кўришга, етимхоналарга, қо-лаверса, ночор-ногиронларга ёрдам кўрсатишга сарфла-салар бўлмасинки, деб ўй-лаб қоламан. Ахир, халқи-мизда бундай ишларни савоб деб ҳисоблашади-ку.

Умуман, мен тўйда пул сочишга қаршман. Ҳалолат топган одам бу ишни қил-майди деб ўйлайман. Яна билмадим, бу борада рўзно-мамиз ўқувчилари нима де-йишаркин?

Саъдулӣ ҚАСАНОВ. журналист.

Мирзааҳмад СУЛТОНОВ

Тошкент металлони қайта иш-лаш бирлашмасида бошлиқ лавозимда ишлади.

М. Султонов ташаббуси билан 1989 йили ўлкаимизда биринчи Тошкент шаҳрида термос ишлаб чиқарувчи Совет-Ҳитой қўшма корхона-си ташкил қилинди ва бу корхона мақсулотини тўлиқ ҳажмида ишлаб чиқаришга эри-шишда унга бошчилик қилди ва фаолият кўрсатди.

М. Султонов неюллада кам-тер, сезгир ва бағри кенг инсон эди. У ўзининг меҳ-натсеварлиги ва ўз халқига бўлган катта мухаббат билан эъ орасида оёру топди.

Унинг фаолияти ва фидо-ийлиги қатор орден ва ме-даллар билан таъдирланди ва халқ уни депутат этиб сайла-ди. Дўстимизнинг порлоқ хо-тираси қалбимизда абадий сақланади.

Бир гуруҳ дўстлари ва «ТАШИТЕРМ» ўқушма Кор-хонаси жамоаси.

Муҳаррир **Н. НАСИМОВ.**